

СИЁСИЙ КОНФЛИКТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ: МАМЛАКАТЛАРАРО ВА ИЧКИ СИЁСИЙ МОЖАРОЛАРДА ИНСОННИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТИ

Шахруза Ахмаджанова

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети Психология йўналиши 2-босқич талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада сиёсий конфликтлар психологияси ва уларнинг мамлакатлараро ҳамда ички сиёсий можароларда инсон хатти-ҳаракатини шакллантиришдаги ўрни таҳлил қилинади. Сиёсий низолар жараёнида ижтимоий идентификация, когнитив таъсирлар ва эмоционал омиллар қандай ишга тушиши, шунингдек, оммавий психология ва тарғиботнинг жамоатчилик фикрига таъсири ёритилади. Мақолада сиёсий психология назариялари асосида можароларда инсоннинг иррационал хатти-ҳаракати, кўркув ва нафрат ҳиссиётларининг кучайиши ҳамда оммавий манипуляциялар механизмлари илмий асосда ўрганилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали ахборот оқими, фейк хабарлар ва пропаганданинг ички ва ташқи можароларга таъсири кўрсатиб берилади. Ушбу тадқиқот сиёсий низолар психологиясини англаш орқали можароларни бартараф этиш ва тинчликни таъминлашга қаратилган илмий ҳулосаларни тақдим этади.

Калит сўзлар: Сиёсий психология, сиёсий конфликт, ижтимоий идентификация, когнитив дезонанс, эмоционал таъсир, мамлакатлараро можаролар, ички сиёсий низолар, оммавий хатти-ҳаракат, ахборот манипуляциялари, пропаганда.

Сиёсий конфликтлар инсоният тарихи давомида ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлиб келган. Қадимги давлатлар ўртасидаги ҳудудий низолардан тортиб, замонавий давлатлараро можаролар ва ички сиёсий курашларгача бўлган жараёнлар сиёсий муносабатлар тараққиётида доимий ҳолат сифатида кузатилади [8, 113]. Шунингдек, глобаллашув ва ахборот технологиялари ривожланиши туфайли сиёсий можаролар нафақат давлатлар ўртасида, балки мамлакат ичида ҳам оммавий таъсир доирасига эга бўлиб, жамиятдаги шахсий ва гуруҳий хатти-ҳаракатга кучли таъсир кўрсатмоқда.

Сиёсий психология нуқтаи назаридан қаралганда, ҳар қандай сиёсий низо фақат иқтисодий манфаатлар ёки сиёсий ресурслар учун кураш эмас, балки инсон онги ва ҳиссиёти билан узвий боғлиқ мураккаб ижтимоий-руҳий жараёндир. Можаролар пайтида шахслар ва гуруҳлар ўз хатти-ҳаракатини кўпинча рационал мулоҳазага эмас, балки ҳиссиётларга, ижтимоий идентификацияга ва манипулятив ахборот

таъсирига асослайди [11, 47]. Шу сабабли, сиёсий можароларни чуқур англаш учун психологик механизмлар ва оммавий хатти-ҳаракат омилларини илмий таҳлил қилиш зарур ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатлараро низолар кўпинча миллий хавфсизлик, ташқи сиёсат ва геосиёсий манфаатлар билан боғлиқ бўлса, ички сиёсий можаролар эса сайлов жараёнлари, ижтимоий норозиликлар ёки ҳокимият учун рақобат шаклида намоён бўлади. Икки ҳолатда ҳам инсоннинг хатти-ҳаракатини белгилайдиган омиллар, жумладан кўрқув, нафрат, ишонч ёки бирлик ҳисси, оммавий психологияда муҳим ўрин тутди.

Ахборот технологиялари ривожланиши ва ижтимоий тармоқлар оммалашгани натижасида сиёсий конфликтлар психологияси янада янги кўринишларга эга бўлди [7, 206]. Хусусан, тарғибот, фейк ахборот ва ахборот манипуляциялари орқали оммавий фикрни бошқариш имкониятлари кенгайди. Бу эса шахснинг мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига таъсир кўрсатиб, иррационал хатти-ҳаракатларни кучайтиради.

Сиёсий конфликтлар психологияси инсоннинг шахсий ва гуруҳий онгида юз берадиган жараёнларни, уларнинг сиёсий вазиятларга муносабати ва хатти-ҳаракатини ўрганади. Бу соҳадаги тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳар қандай сиёсий низо фақат манфаатлар тўқнашуви эмас, балки ижтимоий психология, когнитив жараёнлар ва эмоционал таъсирлар билан узвий боғлиқ мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Сиёсий конфликтлар шароитида инсонлар кўпинча "ижтимоий идентификация" асосида ҳаракат қилади. Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, шахс ўзини муайян сиёсий ёки этник гуруҳга мансуб деб ҳис этган ҳолда, рақиб гуруҳларга нисбатан салбий муносабат шакллантиради. Бу жараёнда "биз" ва "улар" концепцияси кучайиб, қарама-қаршилик руҳияти оммавий характерга эга бўлади. Масалан, ички сиёсий можароларда сайлов пайтида жамиятда поляризациянинг кучайиши айнан ижтимоий идентификация орқали изоҳланади.

Сиёсий низолар пайтида инсонларда когнитив дезонанс ҳолати тез-тез кузатилади. Бу ҳолат шахснинг шахсий қарашлари билан ташқи воқелик ёки гуруҳ позицияси ўртасидаги зиддият туфайли юзага келади. Масалан, шахс сиёсий етакчининг нотўғри қарорларини англаб етса-да, ўзининг гуруҳга бўлган садоқати туфайли уни ҳимоя қилишда давом этади [5, 229]. Бу ҳолат шахснинг рационал таҳлилини пасайтиради ва иррационал фикрлар устуворлик қила бошлайди.

Шу билан бирга, сиёсий конфликтлар пайтида инсонларнинг эмоционал ҳолати кучли ўзгаришларга дуч келади. Кўрқув, ғазаб, нафрат ва миллий ғурур каби ҳиссиётлар кўпинча оммавий хатти-ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади. Масалан, мамлакатлараро можароларда пропаганда ёрдамида

"душман образи" яратилиши жамоатчилик онгида нафрат ва кураш руҳиятини кучайтиради [3, 104].

Сиёсий конфликтлар психологияси шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва тарғиботнинг таъсирини ҳам ўрганади. Замонавий шароитда ижтимоий тармоқлар ва интернет орқали тарқатиладиган ахборотлар орқали одамларнинг сиёсий қарашлари тезда ўзгариши мумкин. Ахборот манипуляциялари орқали реал воқелик таҳрир қилинади, натижада инсонлар ёлғон ёки бир томонлама маълумот асосида қарор қабул қилади.

Бу жараёнда "оммавий психология" назариялари алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Гюстав Лебоннинг "Оммавий онг" назариясига кўра, одамлар оммавий муҳитда ўз шахсий фикрини йўқотиб, кўпчиликнинг ҳиссиёт ва хулқ-атворини қабул қилади [3, 86]. Сиёсий можароларда бу омил намоёнлар, митинглар ёки оммавий курашларда яққол кўринади.

Сиёсий конфликтлар психологияси инсон онгининг сиёсий жараёнларга қандай таъсир қилишини ва аксинча, сиёсий муҳитнинг шахс психологиясини қандай ўзгартиришини чуқур ўрганишга қаратилган соҳадир. Унинг таҳлили сиёсий низоларнинг илдизларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқишда муҳим назарий асос бўлади.

Сиёсий можароларнинг инсон хатти-ҳаракатига таъсири ҳар хил кўринишларда намоён бўлади [7, 301]. Мамлакатлараро ва ички сиёсий низоларда шахснинг қарорлари, ҳиссиётлари ва жамоавий хатти-ҳаракатлари турли психологик механизмлар билан шаклланади. Бу жараёнларда инсон кўпинча рационал таҳлилга эмас, балки ҳиссиёт, ижтимоий таъсир ва тарғибот таъсирига таянади.

Мамлакатлараро низолар (масалан, урушлар, геосиёсий тўқнашувлар, санкциялар) пайтида шахс хатти-ҳаракати кўпинча миллий идентификация, патриотизм ва оммавий мобилизация ҳисси билан белгиланади. Бу ҳолатда одамлар ўзини миллат ёки давлат билан чуқур боғлаб, ташқи душманга қарши бирликда ҳаракат қилади. Психологияда бу ҳолат "миллий бирдамлик рефлекси" [6, 183] сифатида талқин қилинади.

Бундай вазиятларда тарғиботнинг таъсири кучаяди. Давлатлар оммавий ахборот воситалари орқали "душман образи"ни яратиб, жамоатчиликда нафрат ва кўрқув ҳиссини кучайтиради. Масалан, уруш даврида тарқатиладиган ахборотлар кўпинча рақиб давлатни "хавф манбаи" сифатида кўрсатади ва аҳолини ҳаракатга ундайди. Шу тариқа инсонлар шахсий хавфсизликни давлат хавфсизлиги билан боғлаб, иррационал қарорлар қабул қилиши мумкин.

Шунингдек, халқаро можароларда инсонда "инсонпарварлик ёрдамини қўллаб-қувватлаш" ёки "қочқинларга ёрдам бериш" каби эмоционал реакциялар ҳам кучаяди [9, 137]. Бу ҳолатларда шахслар ахборот таъсири ва умумий эҳтиёж ҳисси орқали ҳамиша оммавий ҳаракатларда иштирок этишга мойил бўлади.

Ички сиёсий можаролар (масалан, сайловлар, намойишлар, ҳокимият учун курашлар) жамият ичида поляризацияни кучайтиради. Инсонлар кўпинча ўзини муайян сиёсий партия ёки ҳаракат билан боғлаб, "биз" ва "улар" тушунчаси асосида фикрлай бошлайди. Бу жараёнда ижтимоий идентификация ва гуруҳ солидарлиги кучайиб, шахс ўз гуруҳининг қарашларини танқидий таҳлилсиз қўллаб-қувватлайди.

Ички низоларда тарғибот, ахборот оқими ва ижтимоий тармоқлар таъсири айниқса кучли бўлади. Шахслар кўпинча "тасдиқловчи когнитив таъсир" (confirmation bias) таъсирида бўлиб, ўз сиёсий қарашларига мос келган маълумотни қабул қилади, акс фикрларни эса рад этади. Бундай вазиятларда ахборотнинг бир ёқлама ва манипулятив тарқалиши ижтимоий қутблашувни кучайтиради.

Шунингдек, ички можароларда кўрқув, ноаниқлик ва бежавотирлик ҳисси одамларни кучли етакчиларга мойил қилади. Психологияда бу "авторитар шахсият феномени" [1, 184] билан изоҳланади, яъни жамиятдаги ноаниқлик одамларни катъий назорат ва кучли раҳбарликни қўллаб-қувватлашга ундайди.

Сиёсий можаролар шароитида инсон хатти-ҳаракати кўп жиҳатдан унинг индивидуал психологияси ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ бўлган омиллар таъсирида шаклланади. Бу жараёнларда ҳиссиётлар, когнитив жараёнлар ва ижтимоий таъсирлар биргаликда ишлайди ва шахснинг қарашлари, қарорлари ҳамда оммавий ҳаракатлардаги иштирокига бевосита таъсир кўрсатади.

Биринчи навбатда, эмоционал омиллар кучайиши кузатилади. Можаро пайтида инсонларда кўрқув, ғазаб, нафрат ёки миллий ғурур каби кучли ҳиссиётлар ҳукмрон бўлади. Бу ҳиссиётлар рационал таҳлилни орқага суриб, иррационал қарорларнинг устуворлигини таъминлайди [10, 43]. Масалан, мамлакатлараро можароларда душман давлатга нисбатан нафрат ва душманлик туйғулари орқали давлат сиёсатига кўр-кўрона қўллаб-қувватлаш ҳолати ривожланади.

Ижтимоий муҳит таъсири ҳам катта аҳамиятга эга. Одамлар кўпинча ўзларини атрофдагилар фикрига мослаштиришга мойил бўлади. Жамоавий муҳитда шахс ўзининг мустақил фикрини йўқотиб, кўпчиликнинг ҳиссиёти ва қарашларини қабул қилади. Бу ҳолат оммавий намойишлар, митинглар ёки ижтимоий тармоқлардаги сиёсий тарғибот пайтида яққол намоён бўлади.

Ахборот манипуляциялари ҳам шахс психологиясида муҳим ўрин тутди. Пропаганда орқали маълумотлар йўналтирилган тарзда тақдим этилади ва шахс воқеликни бир томонлама қабул қилишга мажбур бўлади [1, 173]. Бу ҳолатда одамлар кўпинча фақат ўз сиёсий қарашларига мос келадиган маълумотни қабул қилади, унга зид маълумотларни эса рад этади. Бу эса жамиятда қутблашувни кучайтиради ва зиддиятларни чуқурлаштиради.

Шунингдек, можаролар пайтида гуруҳ идентификацияси кучаяди. Инсонлар ўзларини муайян сиёсий ёки этник гуруҳ билан боғлайди ва ўз гуруҳининг нормаларига мос равишда ҳаракат қилади. Бу жараён "биз" ва "улар" қарама-

қаршилигини кучайтиради ва рақиб гуруҳларга нисбатан нафрат ва ишончсизлик ҳиссини оширади [2, 194].

Бундан ташқари, ички ва ташқи сиёсий можароларда шахслар ноаниқлик ҳисси ва хавотир туфайли кучли раҳбарликка мойил бўлади. Бу ҳолатда одамлар қарор қабул қилиш масъулиятини ўзидан олиб ташлаб, харизматик ёки авторитар етакчиларга суянишга интилади. Бу жараён "авторитар шахсият феномени" сифатида талқин қилинади ва можаролар шароитида оммавий қўллаб-қувватлашнинг психологиясини тушунтиради.

Шундай қилиб, умумий психологик хусусиятлар можароларда инсоннинг хатти-ҳаракатини белгилайдиган асосий омиллар сифатида намоён бўлади. Улар ҳиссиётлар устуворлиги, ижтимоий таъсирга мойиллик, ахборот манипуляциялари таъсири ва гуруҳий солидарлик билан узвий боғлиқдир. Бу жараёнларни чуқур англаш можароларни бартараф этиш ва жамиятда тинчликни сақлаш бўйича илмий асосланган ёндашувларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий конфликтлар психологияси инсоннинг шахсий ва гуруҳий онгини, шунингдек, можаролар пайтидаги оммавий хатти-ҳаракат механизмларини чуқур англашга ёрдам беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатлараро ва ички сиёсий низолар пайтида инсон хатти-ҳаракати кўпинча рационал таҳлил ва мантикий қарорлардан кўра, эмоционал таъсир, ижтимоий идентификация ва когнитив жараёнлар билан бошқарилади. Кўрқув, ғазаб, нафрат ва миллий ғурур каби ҳиссиётлар можаролар даврида шахснинг сиёсий қарашлари ва хатти-ҳаракатларига кучли таъсир кўрсатади.

Ички можароларда жамият ичидаги қутблашув кучайиб, шахслар ўзини муайян сиёсий лагер ёки гуруҳга боғлайди. Бу жараён "биз" ва "улар" қарама-қаршилигини кучайтиради, рақиб гуруҳларга нисбатан ишончсизлик ва нафрат ҳиссини оширади. Мамлакатлараро низоларда эса миллий бирдамлик ҳисси авж олиб, шахс ўз давлатини ҳимоя қилиш мақсадида кўпинча иррационал қарорларни қабул қилади ва пропагандани қўллаб-қувватлайди.

Ахборот манипуляциялари ва оммавий тарғибот бу жараёнларда муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиладиган бир ёқлама маълумот шахснинг воқеликни англашини йўналтиради, когнитив дезонансни кучайтиради ва иррационал қарашларни мустаҳкамлайди [4, 228]. Бу эса жамиятда қутблашув ва зиддиятларни янада чуқурлаштиради.

Шундай экан, сиёсий конфликтлар психологиясини ўрганиш нафақат илмий аҳамиятга, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Ушбу соҳадаги билимлар сиёсий можароларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиш, ахборот манипуляцияларига қарши курашиш ва тинчликни таъминлаш стратегияларини ишлаб чиқишда зарурий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, бу таҳлиллар можароларни олдини олишда медиаторлар, сиёсатшунослар, психологлар ва давлат бошқаруви соҳасидаги мутахассислар учун муҳим қўлланма вазифасини бажаради. Сиёсий психологиянинг бу йўналишини ривожлантириш орқали жамиятда конфликтларни бартараф этишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқирилиши, ахборот маданияти оширилиши ва тинчликпарвар ижтимоий муҳит яратилиши мумкин.

Демак, сиёсий конфликтлар психологиясини чуқур ўрганиш орқали нафақат инсоннинг можаро пайтидаги хатти-ҳаракатини англаш, балки барқарорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатликка эришиш учун амалий ечимлар ишлаб чиқиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бернейс Э. Пропаганда. – М.: АСТ, 2020. – 240 с.
2. Гуревич П. С. Политическая психология: Учебное пособие. – М.: Академический проект, 2019. – 368 с.
3. Лебон Г. Психология народов и масс. – СПб.: Питер, 2018. – 304 с.
4. Липпман У. Общественное мнение. – М.: Республика, 2017. – 320 с.
5. Посталовская Н. В. Политическая психология: теория и практика. – М.: Юрайт, 2021. – 352 с.
6. Festinger, L. A Theory of Cognitive Dissonance. – Stanford: Stanford University Press, 2019. – 256 p.
7. Habermas, J. The Structural Transformation of the Public Sphere. – Cambridge: Polity Press, 2020. – 400 p.
8. Cialdini, R. Influence: The Psychology of Persuasion. – New York: Harper Business, 2021. – 368 p.
9. Бердимуродов, А. Сиёсий психология асослари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – 280 б.
10. Каримов, Ш. Жамоавий онг ва сиёсий конфликтлар психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019. – 256 б.
11. Сатторов, Ж. Сиёсий онг ва оммавий хатти-ҳаракат психологияси. – Тошкент: Фан, 2021. – 300 б.